

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ ВА  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.I.15.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ДУСКОБИЛОВ УМИДЖОН ШАРОФИДДИНОВИЧ**

**ИҚТИСОДИЁТНИ МОНЕТАР СИЁСАТ ОРҚАЛИ ТАРТИБГА  
СОЛИШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

**ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент шаҳри – 2017 йил

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on economical sciences**

**Дускобилов Умиджон Шарофиддинович**

Иқтисодиётни монетар сиёсат орқали тартибга солиш механизмини  
такомиллаштириш.....3

**Дускобилов Умиджон Шарофиддинович**

Совершенствование механизма регулирования экономики посредством  
монетарной политики.....23

**Duskobilov Umidjon Sharofiddinovich**

Improving the mechanism of regulating the economy through monetary policy... 43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works.....46

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ ВА  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.I.15.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМий КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ДУСКОБИЛОВ УМИДЖОН ШАРОФИДДИНОВИЧ**

**ИҚТИСОДИЁТНИ МОНЕТАР СИЁСАТ ОРҚАЛИ ТАРТИБГА  
СОЛИШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

**ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент шаҳри – 2017 йил

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/Iqt34 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.bfa.uz](http://www.bfa.uz)) ва «ZiyoNet» таълим ахборот тармоғида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** **Каримов Норбой Ғаниевич**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** **Жумаев Нодир Хосиятович**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Йўлдошев Олим Абдураимович**  
иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:** **Тошкент молия институти**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси ва Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.I.15.01 рақамли илмий кенгашнинг 2017 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-уй, тел.: +99871 237-53-25, факс: +99871 237-54-01, e-mail: [info@bfa.uz](mailto:info@bfa.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-уй. Тел.: (99871) 237-53-25.

Диссертация автореферати 20\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(20\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**А.Ш. Бекмуродов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

**У.В. Гафуров**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, и.ф.д., доцент

**Н.М. Махмудов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда Марказий банклар томонидан сўнгги йилларда амалга оширилаётган монетар сиёсат механизмида экспансион фойз сиёсатини юритишнинг устувор аҳамият касб этиши етакчи мамлакатлар иқтисодиётида пулга бўлган талабнинг кескин ошишига олиб келмоқда. Бу, ўз навбатида, мазкур мамлакатлар иқтисодиётида монетизация даражасининг ўсишини таъминламоқда. Хусусан, 2017 йил 1 январь ҳолатига ушбу кўрсаткич «Японияда 237 фойзни, Хитойда 208 фойзни, Кореяда 147 фойзни, Сингапурда 137 фойзни, Бразилияда 100 фойзни, АҚШда 91 фойзни, Ҳиндистонда 79 фойзни, Норвегияда 65 фойзни, Россияда 59 фойзни, Мексикада 55 фойзни ташкил этди»<sup>1</sup>.

Бугунги кунда жаҳонда монетар сиёсат орқали нархлар барқарорлигини таъминлашнинг стратегик йўналишларини ишлаб чиқиш, монетар сиёсат ва макроиқтисодий кўрсаткичлар уйғунлигини таҳлил қилиш асосида иқтисодий ўсишга жиддий таъсир этувчи омилларни аниқлаш, пул-кредит дастакларидан самарали фойдаланган ҳолда банк тизими ликвидлигини таъминлаш, пуллар таклифини самарали тартибга солиш методикасини ишлаб чиқиш, инфляциянинг мақсадли кўрсаткичларини белгилаш асосида нархлар барқарорлигига эришиш, инновацион ёндашувлар асосида монетар сиёсатни амалга ошириш механизмини такомиллаштириш бўйича комплекс тадқиқотлар олиб бориш муҳим аҳамиятга эга. Мазкур ҳолатлар танланган тадқиқот мавзуси доирасида мақсадли йўналишларни белгилаб берди.

Мустақиллик йилларида миллий валюта – «сўм»нинг муомалага киритилиши ҳамда Халқаро валюта фонди битимининг VIII моддасидаги мажбуриятлар қабул қилиниши Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига монетар сиёсатни юритиш механизмини самарали шакллантириш имконини берди. Ўз навбатида, иқтисодий ислохотларнинг чуқурлашуви пул-кредит дастакларидан фойдаланиш амалиётини либераллаштириш асосида монетар сиёсатни амалга ошириш механизмини янада такомиллаштириш заруратини юзага келтирди. Шундан келиб чиқиб, монетар сиёсат воситаларидан самарали фойдаланиш механизмини такомиллаштиришни ўзида қамраб олган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳалари ишлаб чиқилди<sup>2</sup>. Бунинг натижасида монетар сиёсатнинг муҳим таркибий элементи ҳисобланган валюта сиёсатини либераллаштириш борасида салмоқли қадам қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2017 йил 2 сентябрдаги ПФ-5177-сон «Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-

<sup>1</sup> <http://data.worldbank.org/country>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3272-сон «Пул-кредит сиёсатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори.

тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3272-сон «Пул-кредит сиёсатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ ИТД-2 – «Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, фуқаролик жамиятини шакллантириш, миллий иқтисодиётни модернизациялаш ва эркинлаштиришнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш» лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ушбу мавзунини тадқиқ этиш борасидаги таниқли иқтисодчи олим ва мутахассисларнинг назарий, амалий ҳамда методологик муаммоларга бағишланган илмий асарлари мавжуд. Иқтисодиётни монетар сиёсат дастаклари орқали тартибга солишнинг бир қатор назарий-услубий жиҳатлари хорижлик иқтисодчи олимлардан А.Смит, М.Фридмен, Ж.Кейнс, Г.Кассель, Ф.Мишкин, Р.Манделл, Р.Маккиннон, В.Моррисон, Б.Гилл, Д.Митчелл, М.Гэйгер, Т.Жэнг, россиялик иқтисодчилардан, Т.Морозова, О.Лаврушина, М.Малкина, С.Моисеев, М.Калашников, Ю.Калачихина<sup>3</sup>ларнинг илмий ишларида тадқиқ қилинган.

Жумладан, монетар сиёсатнинг мамлакатда юзага келадиган молиявий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишдаги роли ва аҳамияти, шунингдек, мазкур жараёнларда давлатнинг аралашуви масаласи илк бор А.Смитнинг илмий изланишларида, хусусан, «Халқлар бойлигининг табиати ва сабабларини тадқиқ этиш тўғрисида» номли ижтимоий-иқтисодий асарида атрофлича тадқиқ этилган бўлиб, унинг қарашлари замирида эркин бозор усуллари орқали иқтисодиёт ўзини-ўзи тартибга солиши кераклиги эътироф этилади. Шунингдек, А.Смит хусусий товар ишлаб чиқарувчилар бозори давлат назоратидан тўлиқ озод бўлиши кераклигини илгари суради.

---

<sup>3</sup> Smith A. "An Inquiry into the Nature and Causes of the Wealth of Nations"/ London. 1776 y. –528 p.; Фридмен М. Если бы деньги заговорили. Пер. С англ. – М.: Дело, 1999г.; Кейнс Ж.М. Общая теория занятости процента и денег. Пер. С англ. – М.: Эксмо, 2007г. – 960с.; Кассель Г. Инфляция и валютный курс. – М.: Эльф-пресс, 1995г. –с. 23.; Mishkin F.S. The Economics of Money, Banking and Financial Markets, 6<sup>th</sup> edition, Publisher "Addison Wesley", USA, 2003y. -738 p.; Mundell R.A. The monetary dynamics of international adjustment under fixed and flexible exchange rates // Quarterly Journal of Economics 74 (2). May 1960y.; McKinnon R.J. Money in International Exchange. The Convertible Currency System. –N.Y., 1979y. –p.6.; Morrison W.M. China and the Global Financial Crisis: Implications for the US.; China: the balance sheet: what the world needs to know now about the emerging superpower./ Gill B., Mitchell D. – 1<sup>st</sup> ed. – NY: Public Affairs, 2006y; Geiger M. Instruments of monetary policy in china and their effectiveness:1994-2006/United Nations Conference on Trade and Development (UNCTAD)/No.187, Feb. 2008. – p. 4-18.; ZHENG T. et al. Estimating forward-looking rules for China's Monetary Policy: A regime-switching perspective // China Economic Review 23 (2012) 47–59; Морозова Т. Государственное регулирование экономики. М.: ЮНИТИ, 2002г. – 256с.; Лаврушин О.И. Деньги, кредит, банки.– М.: Кнорус, 2009г.–560с.; Малкина М.Ю. Экономическая политика в современной России: теоретические основы и проблемы эффективной реализации: Монография / Новгород: НИСОЦ, 2012. – 5с.; Моисеев С.Р. Денежно-кредитная политика: теория и практика. – М.: Экономистъ, 2008г. – 652с.; Калашников М. Об истинной экономической силе Китая. Научная Статья, 16.09.2011г.; Калачихина Ю. Китай вышел в мировые лидеры по закупкам золота. Научная статья, 23.05.2011г.

М.Фридмен томонидан илгари сурилган неолиберал монетар концепцияга асосан иқтисодиётни тартибга солишда пул, пул массаси ва пул муомаласига алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, унга кўра асосий самарали таъсирчан восита давлат томонидан қаттиққўл пул-кредит сиёсатини амалга ошириш ҳисобланади.

Шунингдек, Ж.Кейнс бозор иқтисодий муносабатлари тизими таркибий жиҳатдан мураккаб тузилмага эга экани ва у ўзини мустақил тартибга сола олмайди деган хулосага келди. Шу сабабли у максимал даражада бандлик ва барқарор иқтисодий ўсишни фақат давлатнинг иқтисодиётга фаол аралашувигина таъминлай олишини таъкидлади. Натижада Кейнснинг бу борадаги қарашлари умумий бандликка асосланган давлат томонидан рағбатлантириладиган талаб – «самарали талаб» концепцияси номини олди.

Монетар сиёсатни амалга ошириш борасидаги мавжуд муаммоларнинг айрим жиҳат ва ечимлари ўзбекистонлик иқтисодчи олимлар О.Намозов, Н.Жумаев, Т.Бобакулов, А.Исмаилов, О.Йўлдошев, Ш.Қоралиев, Р.Шомуродов, Ш.Якубова<sup>4</sup>ларнинг илмий ишларида ўз ифодасини топган.

Хусусан, О.Намозовнинг илмий изланишларида монетар сиёсат инструментларини такомиллаштириш, макроиқтисодий сиёсат ва монетар сиёсатни мувофиқлаштириш бўйича эътиборга лойиқ илмий таклиф ва амалий тавсиялар илгари сурилган. Т.Бобакуловнинг илмий тадқиқотларида Ўзбекистон Республикасида миллий валюта курси барқарорлигини таъминлаш борасидаги муаммолар ва уларни ҳал қилиш йўллари борасида бир қатор илмий-амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган. Шунингдек, А.Исмаиловнинг илмий ишларида Ўзбекистон Республикаси пул тизимини мустаҳкамлашнинг назарий-услубий асосларини такомиллаштиришга қаратилган илмий асосланган хулоса ва таклифлар шакллантирилган.

Юқорида келтирилган тадқиқотларда баён этилган масалалар анча теран ишлаб чиқилган бўлса-да, лекин монетар сиёсатни амалга ошириш механизмини инновацион ёндашувлар ҳамда хорижий мамлакатлар тажрибаси асосида такомиллаштириш яхлит ва комплекс тарзда махсус мустақил илмий тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий тадқиқот муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг илмий тадқиқот ишлари режасига киритилган ҳамда 2012-2016 йилларга мўлжалланган ФМ-5. – «Ўзбекистонда банк-молия тизимини

---

<sup>4</sup> Намозов О.Ш. Монетарная политика в переходной экономике: концептуальные подходы и программные направления. Дисс. на соис. уч. ст. д.э.н. – Ташкент, 2001г.; Жумаев Н.Х. Ўзбекистонда валюта муносабатларини тартибга солиш методологиясини такомиллаштириш. Монография. – Тошкент: Фан ва технология, 2007й.; Бобакулов Т.И. Ўзбекистон Республикасида миллий валюта курсининг барқарорлигини таъминлаш борасидаги муаммолар ва уларни ҳал қилиш йўллари. и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Тошкент, 2008й.; Исмаилов А.А. Ўзбекистон Республикаси пул тизимини мустаҳкамлашнинг назарий-услубий асосларини такомиллаштириш. И.ф.д. илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. – Тошкент, 2016 й. – 9 б.; Йўлдошев О.А. Ўзбекистон Марказий банкининг тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш амалиётини такомиллаштириш. И.ф.н. дисс. автореферати. –Т., 2011. 11-12 бб.

ривожлантиришнинг концептуал йўналишлари ва истиқболлари» мавзусидаги илмий тадқиқот йўналиши доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** иқтисодий монетар сиёсат орқали тартибга солиш механизмини такомиллаштириш бўйича илмий-услубий ҳамда амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари.** Диссертациянинг мақсадидан келиб чиқиб, қуйидаги вазифалар белгиланган:

иқтисодий либераллаштириш шароитида монетар сиёсатнинг иқтисодий жараёнлардаги ўрни ва аҳамиятига баҳо бериш;

монетар сиёсатни амалга оширишнинг хориж тажрибасини тадқиқ қилиш ва ундаги устувор жиҳатларни Ўзбекистон амалиётига қўллаш имкониятларини аниқлаш;

иқтисодий монетар дастаклар орқали тартибга солиш борасидаги долзарб муаммоларни аниқлаш;

монетар сиёсат дастакларининг макроиқтисодий кўрсаткичларга таъсирини эконометрик моделлар асосида таҳлил қилиш ва баҳолаш;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг монетар сиёсатни амалга ошириш механизмини такомиллаштириш йўллари ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти сифатида** Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг монетар сиёсати танланган.

**Тадқиқотнинг предмети** Марказий банк томонидан иқтисодий монетар сиёсат орқали тартибга солиш жараёнида юзага келадиган иқтисодий муносабатлардан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда эксперт баҳолаш, индукция ва дедукция, иқтисодий-математик моделлаштириш, статистик, корреляцион ва регрессион таҳлил ҳамда илмий прогнозлаш усуллари қўлланган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

экспансион ва рестрикцион пул-кредит тадбирларини қисқа даврий ораликда амалга оширилиши натижасида пуллар таклифи ўзгаришининг инфляция ва иқтисодий ўсишга таъсири баҳоланган;

пул-кредит сиёсатини амалга оширишнинг трансмиссион механизми каналлари тадқиқ этилиб, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки монетар сиёсатининг ишлаб чиқариш ва иқтисодий ўсишга таъсирини индивидуал баҳолаш имконини берувчи трансмиссион механизми такомиллаштирилган;

тижорат банкларининг кредит ресурслари ҳажмини ошириш мақсадида мажбурий захира талабларини банкларнинг ресурс салоҳиятидан келиб чиқиб қайта табақалаштириш таклиф этилган;

иқтисодий пуллар таклифини тартибга солиш борасидаги «Арзон пуллар» ва «Қиммат пуллар» сиёсатининг иқтисодий жараёнларга нисбатан таъсирини ўрганиш асосида Ўзбекистон Республикаси банк тизимидаги мазкур амалиёт «Самарали пуллар» сиёсати сифатида талқин этилган;

йирик корхоналар экспорт тушумларининг муайян қисмини акцепт асосида Марказий банк облигациялари орқали стерилизациялаш йўли билан банк тизимида барқарор ресурс жалб этиш амалиёти таклиф этилган.



**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

истиклол йилларида Ўзбекистон монетар сиёсати ҳуқуқий асосларининг шаклланиши ва такомиллашув босқичлари ўрганилиб, ҳар бир босқичдаги ўзига хос жиҳатлар ёритиб берилган;

монетизация коэффициенти ҳисоблаш борасидаги мунозарали ҳолат тадқиқ этилиб, мазкур кўрсаткични ҳисоблаш бўйича муаллиф методикаси ишлаб чиқилган;

монетар сиёсат дастакларининг иқтисодий ўсишга таъсири эконометрик моделлар асосида таҳлил қилиниб, уларнинг таъсирчанлик даражаси баҳоланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** уларни иқтисодчи олимларнинг иқтисодиётни монетар сиёсат орқали тартибга солиш борасидаги илмий-назарий қарашларини қиёсий ва танқидий таҳлил қилиш, илғор хориж тажрибасини ўрганиш ва умумлаштириш, эксперт баҳолаш натижалари, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг маълумотлари, шунингдек, бошқа амалий маълумотлар таҳлиliga асосланганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти улардан Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти тармоқларини ривожлантиришда монетар сиёсатнинг роли ва самарадорлигини оширишга бағишланган махсус тадқиқотларни амалга оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсияларни иқтисодиётни монетар сиёсат орқали тартибга солиш амалиётини такомиллаштириш, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни бажаришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқишга муайян даражада хизмат қилиши билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Диссертация натижалари асосида тақдим этилган қуйидаги илмий-услубий, илмий-амалий таклиф ва тавсиялар Ўзбекистон Республикаси банк тизимида жорий этиш учун қабул қилинган. Жумладан:

пул-кредит инструментларининг трансмиссион механизми каналларини таҳлил қилиш ва уларнинг иқтисодий ўсишга таъсирини индивидуал баҳолаш асосида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки монетар сиёсатининг самарадорлигини ошириш таклифи «Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг пул-кредит сиёсатини амалга ошириш ва ривожлантиришнинг ўрта муддатли Концепцияси»ни ишлаб чиқишда фойдаланиш учун қабул қилинган (Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2017 йил 13 ноябрдаги 42-12/556-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга татбиқ этилиши орқали иқтисодий ўсиш ва нархлар барқарорлигининг ўзаро уйғунлиги оширилиб, иқтисодий ўсишни рағбатлантиришда монетар сиёсатнинг инфляцияга таъсир кўрсатувчи омилларини индивидуал баҳолаш имконияти юзага келади.

тижорат банкларининг кредит ресурслари ҳажмини ошириш мақсадида мажбурий захира талабларини банкларнинг ресурс салоҳиятидан келиб чиқиб, қайта табақалаштириш таклифи «Тижорат банкларининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида депозитга ўтказиладиган мажбурий резервлари тўғрисида»ги низомга (рўйхат рақами 2004, 2009 йил 9 сентябрь) ўзгартириш ва қўшимчалар киритишда фойдаланиш учун қабул қилинган (Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2017 йил 13 ноябрдаги 42-12/556-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалиётга татбиқ этилиши «Кичик банклар»нинг кредит ресурсларини кенгайтиргани ҳолда уларнинг иқтисодиёт субъектларининг инвестицион фаолиятини қўллаб-қувватлашдаги фаолият кўламини кенгайтиришга хизмат қилади.

Банк тизимининг жами активи, капитали, депозит базаси ҳамда кредит портфелида муайян тижорат банки улушининг ўртача тортилган қийматидан келиб чиқиб, «Йирик банклар» ва «Кичик банклар» гуруҳларини шакллантириш ва шу асосида тижорат банкларига нисбатан мажбурий захира талабларини қайта дифференциаллаш таклифи «Туронбанк» АТБ фаолиятига жорий этиш учун қабул қилинган («Туронбанк» АТБнинг 2017 йил 21 августдаги 16/02-632-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга татбиқ этилиши «Туронбанк» АТБнинг кредитлаш салоҳиятини ошишига хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 9 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 30 та илмий иш, жумладан, 1 та монография, 1 та дарслик, 3 та ўқув қўлланма, 2 та илмий рисола, ОАК эътироф этган илмий журналларда 11 та илмий мақола шундан, нуфузли хорижий журналларда 2 та илмий мақола, шунингдек, республика ва халқаро илмий-амалий конференцияларда 12 та маъруза ва тезислар нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 180 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, шунингдек, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти изоҳлаб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Иқтисодиётни монетар сиёсат орқали тартибга солишнинг назарий-услубий ва ҳуқуқий асослари**» деб номланган дастлабки бобида монетар сиёсат ва уни амалга ошириш борасидаги назарий-


концептуал ёндашувлар, монетар сиёсатни амалга оширишнинг ташкилий-услубий асослари, истиклол йилларида Ўзбекистон монетар сиёсати ҳукукий асосларининг шаклланиши ва такомиллашув босқичлари баён этилган.

Монетар сиёсат ҳукумат иқтисодий сиёсатининг таркибий қисми сифатида нафақат иқтисодиётни монетар воситалар ёки табиий барқарорлаштириш каби устувор мақсадлар орқали тартибга солиш, балки иқтисодий жараёнларнинг турли соҳаларига индивидуал таъсир кўрсатиш, унинг алоҳида унсурларига нисбатан янада мураккаб таъсир этиш механизмини ҳам ифодалайди. Мазкур жиҳатлардан келиб чиқиб ҳамда хорижлик ва маҳаллий иқтисодчи олимларнинг бу борадаги тадқиқотларини ўрганиш асосида монетар сиёсатга нисбатан муаллиф таърифи шакллантирилди. Унга кўра, монетар сиёсат – бу миллий валюта барқарорлигини таъминлаш мақсадида монетар дастаклар асосида пулга бўлган талаб ва пуллар таклифини мувофиқлаштиришга қаратилган экспансион ва рестрикцион чора-тадбирлар мажмуидир.

Неолиберал монетар концепцияга асосан иқтисодиётни тартибга солишда пул муомаласи ва пул ҳажмига алоҳида эътибор қаратилиб, унга кўра асосий самарали таъсирчан восита давлат томонидан қаттиққўл пул-кредит сиёсатини амалга оширишдир. М.Фридмен ўтиш иқтисодиёти давлатларида муомаладаги пул ҳажмини мунтазам йиллик 3-5 фоиз ошириб боришга мамлакатдаги инфляцияни жиловлашга хизмат қилувчи энг мақбул усул сифатида қарайди. Унинг фикрига кўра, муомаладаги пул ҳажмининг ўсиши ёки қисқариши ишлаб чиқариш соҳаси ҳамда нархлар даражасига фақат 6-8 ойдан сўнг ўз таъсирини кўрсатади. Шу жиҳатдан, муомаладаги пул ҳажмини доимий назорат қилиш ва тартибга солиш иқтисодиётни турли қутилмаган циклик молиявий тебранишлардан ҳимоялаш ҳамда амалиётда нархлар барқарорлигини таъминлаш имконини беради.

2017 йил 28 июндан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қайта молиялаштириш ставкасини кескин оширди. Фикримизча, Марказий банкнинг мазкур рестрикцион кредит сиёсати муайян ўрта даврга мўлжалланган тактик тадбир бўлиб, бунда асосий эътибор валютанинг эркин конвертацияси шароитида тижорат банкларининг ликвидлигини таъминлаш ва юзага келиши мумкин бўлган инфляцион босимни юмшатишга қаратилди. Бу орқали, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 сентябрдаги «Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5177-сонли фармони асосида йўлга қўйилган эркин конвертация шароитида юзага келиши мумкин бўлган инфляцион хавфнинг олди олинди.

Бу каби тактик тадбирларнинг мунтазам амалга оширилиши, ўз навбатида, қисқа даврда экспансион ва рестрикцион пул-кредит сиёсатини амалга оширишнинг сабаб-оқибатларини аниқлаш ва бирламчи таъсир этишнинг самарали механизмини ишлаб чиқиш каби вазифаларни кун тартибига қўяди (1-расм). Шундан келиб чиқиб, тадқиқот ишида экспансион ва рестрикцион пул-кредит сиёсатини қисқа давр оралиғида амалга ошириш механизми ишлаб чиқилди.



**1-расм. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг экспансион ва рестрикцион пул-кредит сиёсатини қисқа давр оралиғида амалга ошириш механизми<sup>5</sup>**


Фикримизча, Марказий банк экспансион монетар сиёсатни амалга оширишни рестрикцион дастаклардан фаол фойдаланиш амалиёти билан мувофиқликда олиб бориши мақсадга мувофиқ. Бунда асосий эътиборни монетар сиёсатнинг муайян дастаги таъсири натижасини бошқа дастак асосида мустаҳкамлаш ёки юмшатиш мослашувчанлигига қаратиш лозим.

1-расм асосида қуйидаги хулосага келинди: яъни бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қисқа давр оралиғидаги тактик тадбирларда рестрикцион пул-кредит сиёсатини амалга оширишни устувор деб ҳисобламоқда. Рестрикцион сиёсат ишлаб чиқарувчиларнинг фойда нормасини қисқартиргани ҳолда умумий яратувчанлик, яъни иқтисодий ўсишга салбий таъсир этаётган бўлса-да, ўз навбатида, муҳим индикатор ҳисобланган инфляцияни жиловлаш имконини бермоқда. Демак, бугунги кунда Ўзбекистонда юқори иқтисодий ўсишни таъминлашдан кўра инфляцияни жиловлаш нисбатан устувор аҳамият касб этмоқда.

Иқтисодий ўсишни рағбатлантиришда монетар сиёсатнинг инфляцияга таъсир кўрсатувчи унсурлар тўплами мавжуд бўлганидек, монетар сиёсат дастакларининг трансмиссион механизми каналлари ҳам мавжуд.

Монетар сиёсат дастакларининг трансмиссион механизми ўз ичига кредит, фоиз, валюта курси каналларини олади ва мамлакатдаги ишлаб чиқариш фаолияти ҳамда макроиқтисодий ўсишга тизимли тарзда таъсир этади (2-расм).

<sup>5</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.



**2-расм. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки монетар сиёсатининг ишлаб чиқариш ва иқтисодий ўсишга таъсирининг трансмиссион механизми<sup>6</sup>**

<sup>6</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

2-расмга хулоса сифатида айтиш мумкинки, монетар сиёсат дастакларининг трансмиссион механизми каналларидан фойдаланиш муомаладаги пул ҳажми ва инфляциянинг мақсадли кўрсаткичларига эришиш имконини беради. Монетар таргетлашда кредит, фоиз, валюта курси каналларидан фойдаланилса, инфляцион таргетлашда фақат фоиз канали танланади. Яқин истиқболда Ўзбекистонда инфляцион таргетлашга ўтилишини ҳисобга олган ҳолда айтиш мумкинки, Марказий банк томонидан фоиз сиёсати таъсирчанлиги ва самарадорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши муҳим вазифа ҳисобланади.

Диссертациянинг «**Банк тизимининг либераллашуви шароитида Ўзбекистон монетар сиёсатининг амалдаги ҳолати**» деб номланган иккинчи бобида иқтисодийетни модернизациялаш ва диверсификация қилиш шароитида монетар сиёсатнинг роли ва аҳамияти, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг монетар сиёсат дастакларидан фойдаланиш амалиёти ёритиб берилган, шунингдек, монетар сиёсатни амалга ошириш борасидаги муаммолар аниқланиб, уларнинг ечими бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Диссертацион тадқиқотлар натижасида мамлакатимизда фаолият юритаётган тижорат банклари «Йирик банклар» ва «Кичик банклар» гуруҳларига ажратилди. Бунда асосий меъёрий кўрсаткич сифатида баҳоланувчи пуллар таклифига таъсир этишнинг ўртача тортилган ставкаси (ПТТЭ<sub>ўтс</sub>) методикаси ишлаб чиқилди. Унга кўра,

$$\text{ПТТЭ}_{\text{ўтс}} = \left( \frac{\left( \left( \frac{B_{\text{бак}}}{\Sigma_{\text{бак}}} \right) + \left( \frac{B_{\text{кап}}}{\Sigma_{\text{кап}}} \right) + \left( \frac{B_{\text{кре}}}{\Sigma_{\text{кре}}} \right) + \left( \frac{B_{\text{деп}}}{\Sigma_{\text{деп}}} \right) \right)}{4} \right) * 100 \geq 10\% \text{ методикаси муайян банкнинг}$$

мамлакатимиз банк тизимининг жами активи, капитали, депозит базаси ҳамда кредит портфелидаги улушининг ўртача тортилган қийматини ифодалайди ва пул массасига таъсир этиш даражасини англайди.

Ушбу методикага асосан, пуллар таклифига таъсир этишнинг ўртача тортилган ставкаси 2017 йил 1 январь ҳолатига ТИФ Миллий банкида – 24,8 фоизни, «Асака» АТБда – 11,6 фоизни, «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ – 10,9 фоизни ташкил этди ва улар «Йирик банклар» сифатида танлаб олинди.

Фикримизча, мамлакатимиздаги тижорат банклари учун муддатлар бўйича табақалаштирилган мажбурий захира талабларини «Йирик банклар» учун амалдаги меъёрлар бўйича, «Кичик банклар» учун эса, икки фоиз пунктга (2% – тижорат банклари ликвидлиги ва ресурс салоҳиятидан келиб чиқиб танланган) пастроқ қилиб белгилаш мақсадга мувофиқ (1-жадвал). Таклиф этилаётган ҳолат бўйича мажбурий захира ставкаларининг «Йирик банклар» учун ўзгаришсиз қолишига сабаб 2017 йил 1 январь ҳолатига уларнинг депозит ва кредит ресурслари умумий банк тизимидаги мазкур ресурсларнинг мос равишда 43,3 ва 51,1 фоизини ташкил этди.

Бу эса мазкур учта банкнинг пул массасига жиддий таъсир этиш имконияти мавжудлигидан далолат беради. Шунга асосланган ҳолда ҳозирда Марказий банк томонидан «Йирик банклар»га нисбатан мажбурий захира талаблари бўйича рестрикцион сиёсатни қўллаш мақбул ҳолат ҳисобланади.

## 1-жадвал

**Мажбурий захира талаблари меъёрини муддатлар ва банкларнинг пуллар таклифига таъсир этишнинг ўртача тортилган ставкаси бўйича табақалаштириш (%да)<sup>7</sup>**

Амалдаги ҳолат						
1 йилгача депозитлар учун		1 йилдан 3 йилгача депозитлар учун		3 йилдан ортиқ депозитлар учун		Юридик шахсларнинг хорижий валютадаги депозитлари учун
15		12		10,5		Хорижий валютадаги депозитлар учун ҳам шу меъёрлар ўрнатилган
Таклиф этилаётган ҳолат						
Ўйрик банклар	Кичик банклар	Ўйрик банклар	Кичик банклар	Ўйрик банклар	Кичик банклар	Хорижий валютадаги депозитлар учун ҳам таклиф этилган меъёрлар асосида
15	13	12	10	10,5	8,5	

Мажбурий захирадан тежалган маблағларнинг банклар томонидан кредит сифатида йўналтирилиши банкларга кредитлаш фаолияти бўйича фоизли даромадларни ошириш имконини беради (3-расм).



**3-расм. «Кичик банклар» учун мажбурий захира талаблари икки фоиз пунктга пасайтирилганда уларнинг мажбурий захира ўтказмалари ва кредитлаш салоҳиятининг ўзгариши<sup>8</sup>**


<sup>7</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

<sup>8</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Мажбурий захира миқдорларининг тез-тез ўзгариб туриши бозор иқтисодиёти мамлакатларига хос ҳолат ҳисобланади. Бунинг асосий сабаби инфляция жараёнларининг нисбатан юқорилиги ва халқ хўжалигини таркибий қайта қуриш билан боғлиқ тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида муомаладаги пул массасининг кўпайиб кетишидир.

Диссертациянинг «Ўзбекистонда монетар сиёсатни амалга ошириш механизмини такомиллаштириш» деб номланган учинчи бобда иқтисодиётни монетар сиёсат орқали тартибга солишнинг хориж тажрибаси, монетар сиёсатнинг иқтисодиётни тартибга солишдаги таъсирини эконометрик моделлаштириш, иқтисодиётни либераллаштириш шароитида монетар сиёсатни амалга ошириш механизмини такомиллаштириш йўллари баён этилган.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг пуллар таклифини тартибга солиш услубиётини тадқиқ этиш асосида қуйидаги хулоса келтирилди. Унга кўра, бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан «Қиммат пуллар» ва «Арзон пуллар» сиёсати уйғунлаштирилган ҳолда олиб борилиб, муаллифлик тадқиқотларимиз натижасида мазкур амалиёт «Самарали пуллар» сиёсати сифатида талқин этилди (4-расм).



4-расм. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг «Самарали пуллар» сиёсати механизми<sup>9</sup>

<sup>9</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.



4-расм маълумотлари қуйидаги хулосавий фикрларни шакллантириш имконини берди:


– Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан қайта молиялаш ставкаси ҳамда пулга бўлган талаб ўртасидаги мутаносиблик таъминланмоқда;

– пулга бўлган талабни қондиришда зарурий чегара чизиғига алоҳида эътибор қаратилиб, муомаладаги пул массасининг кескин ўсиши олди олинмоқда. Бу эса, муҳим индикатор ҳисобланган инфляция даражасини белгиланган прогноз кўрсаткичлари доирасида жиловлашга қаратилган тактик чора-тадбирларни ишлаб чиқиш имконини бермоқда;

– муҳим инвестицион лойиҳалар ҳамда ишлаб чиқариш қувватларини самарали молиялаштириш натижасида йиллик ялпи ички маҳсулот ҳажми барқарор ўсиш тенденциясига эга бўлмоқда.

Хитой монетар сиёсатини тадқиқ этиш натижасида Хитой Халқ банкининг очик бозордаги операциялари доирасидаги қуйидаги тажрибасини Ўзбекистон банк амалиётида қўллаш муомаладаги пул массасига самарали таъсир этиши аниқланди.

Диссертацияда олиб чиқилаётган мазкур илмий-амалий янгилик Ўзбекистондаги захира айланма маблағига эга йирик экспортёр корхоналарнинг экспорт операциялари натижасида оладиган хорижий валютадаги тушумларининг 25 фоизини акцепт асосида хорижий валютада беш йиллик Марказий банк облигациялари асосида стерилизациялашни назарда тутди (5-расм).



5-расм. Экспорт операциялари асосида олинган хорижий валюта тушумини Марказий банк облигациялари орқали стерилизациялаш<sup>10</sup>

<sup>10</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

5-расмга хулоса қилиб айтиш мумкинки, Ўзбекистонда мазкур фаолиятнинг йўлга қўйилиши Марказий банкнинг очик бозордаги операциялари фаоллашувига хизмат қилади, шунингдек, банк тизимида ички манбалар ҳисобидан шаклланувчи хорижий валютадаги барқарор ресурсларни жалб қилиш имконини беради. Бунинг учун, аввало, Марказий банк Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси таъминоти асосида беш йиллик юқори ликвидли облигациялар эмиссиясини амалга ошириши лозим.

2012 йилда Жаҳон банки гуруҳи ташаббуси билан ташкил этилган экспертлар гуруҳи томонидан янги модель – 4x2 матрица модели ишлаб чиқилди. Мазкур модель молия бозори (инвестиция ва капитал оқими) ва банк (монетар) тизимидаги умумий ҳолатни 4 та мезон асосида таҳлил қилади. Тадқиқот ишида 4x2 матрица моделининг банк тизими (монетар сиёсат)га оид қисми ажратиб олинди ва берилган 4 та мезон асосида 2011-2015 йиллардаги ҳолат таҳлил қилинди (2-жадвал).

## 2-жадвал

### 2011-2015 йилларда монетар сиёсатнинг барқарорлик матрицаси<sup>11</sup>

Мезон	Кўрсаткич	2011й.	2012й.	2013й.	2014й.	2015й.	Таъсир характери
Аҳамият	Жами банк кредит қўйилмаларининг ЯИМга нисбати	0.202	0.211	0.223	0.240	0.249	Ижобий
	Молия муассасалари активларининг ЯИМга нисбати	0.353	0.370	0.369	0.388	0.381	Ижобий
	Молия муассасаларидаги омонатларнинг ЯИМга нисбати	0.231	0.211	0.219	0.197	0.208	Ўзгарувчан
Қамров	Ҳар вояга етган минг кишига банк ҳисоб рақамлари сони	1.025	1.027	1.028	1.028	1.031	Ижобий
	Ҳар вояга етган юз минг кишига банк шахобчалари сони	49.5	49,7	49.7	49.7	49.8	Ижобий
	Банклар филиаллари сонининг банклар сонига нисбати	27.4	28.59	28.86	32.54	32.85	Ижобий
Барқарорлик	Капитал етарлилик даражаси	0.242	0.243	0.243	0.238	0.236	Ўзгарувчан
	Ликвидлилик даражаси	0.651	0.650	0.651	0.646	0.645	Ўзгарувчан
	Валюта курси тебраниши (АҚШ долл.га нисбатан йиллик ўзгариш)	-0.095	-0.105	-0.110	-0.100	-0.160	Салбий
Тартибга солиш	Қайта молиялаштириш ставкаси	0.12	0.12	0.12	0.10	0.09	Ижобий
	Мажбурий захира талаблари	0.15	0.15	0.15	0.15	0.15	Нейтрал
	Стерилизация ҳажми	0.055	0.061	0.057	0.052	0.054	Ўзгарувчан

Шартли белгилар:

 Ижобий

 Ўзгарувчан

 Нейтрал

 Салбий

<sup>11</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

